ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«6» сентябрь 2019 y. № 743 Toshkent sh.

**Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2018 йил 13 октябрдаги ПФ-5553-сон Фармонини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 16 июлдаги 538-сон қарорини ижро этиш, шунингдек, бюджет томонидан молиялаштириладиган ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни тартибга солиш, республиканинг айрим ҳудудларидаги табиий-иқлим шароитларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб меҳнатга ҳақ тўлашни ҳудудий тартибга солиш масалаларида бозор принципларини кенг жорий этиш ва ёндашувларни бирхиллаштириш асосида ходимларни рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдори тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Кўчма ва қатнов тусидаги ишлар билан боғлиқ устамалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорнинг 1-банди билан тасдиқланган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича устамалар, қўшимча ҳақлар ва разрядлар ва Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритиш ҳақида” 2019 йил 18 январдаги 47-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткасининг тариф коэффициентлари 2019 йил 1 январдан бошлаб қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишларда ишловчи бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир туман коэффициентлари тўловларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентлари ва бундай жойлардаги ишлар учун қўшимча таътиллар ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар барча ташкилотлар томонидан қўлланиши мажбурийдир;

ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар нобюджет ташкилотлар коллектив шартномаларда ва коллектив битимларда ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган айрим жойларда ишловчи ходимлар иш ҳақига ўз маблағлари доирасида харажатлар, солиқ солинадиган базага киритилган ҳолда, қўшимча тўловлар ва бундай жойларда ишлаганлик учун қўшимча меҳнат таътили тўғрисидаги шартларни назарда тутишлари мумкин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

бюджет ташкилотларида хизмат қилувчи кенг тарқалган лавозимларда ишлайдиган ходимларнинг иш ҳақини ошириш ушбу қарорга 4-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, ушбу ташкилотлар ходимлари сонини оптималлаштириш ҳисобига амалга оширилади;

бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштириладиган ва ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини асос сифатида қўлловчи ишлаб чиқариш соҳасига алоқадор бўлмаган давлат ташкилотлари кенг тарқалган касбда ишловчи ходимларга ушбу қарорда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядларни белгилайди;

агар ушбу қарорга 4-иловада кўрсатилган лавозимлар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича юқорироқ разрядлар белгиланган бўлса, меҳнатга ҳақ юқорироқ разрядлар бўйича тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда республика туманлари ва шаҳарлари бўйича табиий-иқлим шароитлари устидан ҳар йили тизимли мониторинг олиб борсин, зарур ҳолларда мониторинг натижалари бўйича табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган ҳудудлар рўйхатига тузатиш киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти билан биргаликда қатнов ва қатнаш тусидаги ишлар билан боғлиқ туман ва тармоқ коэффициентлари, устамалар тўғри қўлланиши, шунингдек, кенг тарқалган лавозимлар ва касблар бўйича разрядлар белгиланишн устидан белгиланган тартибда назорат олиб борилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг ўринбосари – молия вазири Д.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири**




**А. Арипов**

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "6" сентябр даги
743-сон қарорига
1-илова

**Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисида**
**НИЗОМ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низомда мулкчилик шаклларидан қатъи назар ташкилотлар томонидан табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлашга туман коэффициентларини (кейинги ўринларда устама деб аталади) ва йиллик қўшимча таътилларни белгилаш шартларини тартибга солади.

2. Йиллик устама ва йиллик қўшимча таътиллар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ устамалар, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхатига (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) киритилган жойларда ишларни бажарувчи барча ходимларга қўлланилади ва берилади.

3. Нобюджет ташкилотларининг коллектив битимлари ва шартномаларида Рўйхатда кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун харажатлар солиқ солинадиган базага киритилган ҳолда устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартлар назарда тутилиши мумкин.

## 2-боб. Меҳнат шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун иш ҳақига устамалар белгилаш тартиби

4. Устама миқдори ушбу жой учун белгиланган тегишли коэффициентни иш ҳақи суммасига кўпайтириш орқали белгиланади.

5. Устама миқдори иш ҳақининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган ва устама ҳисобланадиган ойдан кейинги ойнинг бошида амал қиладиган: 2019 йил 1 сентябргача – энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,4 баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган иш ҳақи суммасидан ҳисобланади.

Агар ходимнинг иш ҳақи: 2019 йил 1 сентябргача – энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан, 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,4 баравари миқдоридан ошса, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб мисолларига биноан устама миқдори тегишли равишда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдори ёки меҳнатга ҳақ

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



тўлаш энг кам миқдорининг 1,4 баровари миқдорини ташкил этадиган мутаносиб иш ҳақи қисмидан ҳисоблаб чиқилади.

6. Устама ундан келиб чиқиб ҳисобланадиган иш ҳақига ўртача иш ҳақи таркибидан чиқариб ташланадиган тўловлардан ташқари тариф ставкалари ва ишбай баҳолаш бўйича тўловлар, ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилган мукофотлар, устамалар ва қўшимча ҳақлар киритилади.

7. Устамалар ходим ушбу жойда яшаши ёки яшамаслигидан қатъи назар иш жойи бўйича тўланади.

8. Табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган туманга (жойга) бир ойдан ортиқ муддатга сафарга юборилганда ходимга ушбу ҳудудда бўлган вақти учун ушбу жой учун назарда тутилган миқдорда устама тўланади.

Сафар вақти учун устама умумбелгиланган тартибда қўлланилади.

Устама меҳнатга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган сафарларда харажатларни қоплаш учун тўловдан қатъи назар тўланади.

9. Иш ҳақига устамаларнинг ҳар хил миқдори назарда тутилган туманларда ходимлар учун (масалан, туман коэффициенти бўйича ва баланд тоғли ҳудудларда ишлаш учун) – улар жамлади.

10. Агар ходим меҳнат шароитлари ноқулай бўлган туманда (жойда) тўлиқ ой ишламаган бўлса, устама миқдори ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб мисолларига биноан ушбу ойда ишлаб берилган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ходим бир ой давомида турли миқдордаги устамалар белгиланган туманлар ва жойларда иш бажарса:

тегишли туманда (жойда) ишланган вақтни ҳисобга олиш мумкин бўлса – устама тегишли ҳудудларда ишланган вақтга мутаносиб белгиланади;

иш вақтини ҳисобга олиш имкони бўлмаса – устама ташкилот жойлашган ҳудуд учун назарда тутилган миқдорда белгиланади.

11. Чораклик асосда мукофот пули тўлашда устама миқдори ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ҳисоб-китоб мисолларига биноан белгиланади, айнан:

чораклик мукофот пули суммаси чоракнинг ҳар ойи бўйича мутаносиб равишда тақсимланади ҳамда тегишли ойдаги иш ҳақи ва бошқа тўловлар билан жамланади;

ҳар ой учун олинган суммаларга одатда ушбу жой учун белгиланган коэффициентлар қўлланилади;

ходимнинг чорак учун иш ҳақи умумий суммасини белгилаб, ундан устама шаклида тўланган суммалар чиқариб ташланади ва фарқ тўланади.

12. Ўриндошлик бўйича ишлаганда устама фақат асосий иш жойи бўйича тўланади.

13. Устама қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳолларда ўртача иш ҳақини белгилашда (кафолат тўловларини амалга оширишда, таътил вақти учун ҳақ тўлашда, вақтинча бошқа ишга ўтганда иш ҳақи тўлашда, зарар қопланганда, мажбуран ишга келмаганда ва бошқа ҳолларда), шу жумладан, пенсия тайинлашда ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда ходимнинг иш ҳақи таркибида ҳисобга олинади.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



14. Қуйидагилар устамалар тўланадиган манбалар ҳисобланади:

бюджет ташкилотлари учун – меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар учун – уларнинг ўз маблағлари.

15. Устамалар ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ва ходимларнинг иш ҳақига киритилади ҳамда уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда солиқ солинади.

## 3-боб. Меҳнат шароитлари оғир ва ноқулай бўлган туманлар ва жойларда ишлаганлик учун энг кам йиллик қўшимча таътил бериш тартиби

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан белгиланган миқдордаги табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун энг кам йиллик қўшимча таътил, агар ходим тўлиқ иш йилида ишлаган тақдирда берилади.

17. Агар ходим иш йилида тўлиқ ишламаган бўлса, меҳнатнинг табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун қўшимча таътил муддати қўшимча таътилнинг тўлиқ миқдорини ўн иккига бўлиш ва тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш орқали ишланган вақтга мутаносиб равишда белгиланади.

Бунда қўшимча таътил кунлари сони яхлитлаш қоидалари бўйича бутун миқдоргача яхлитланади.

## 4-боб. Якунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар**
**РЎЙХАТИ**

| **Меҳнатнинг табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган туманлар ва жойлар номи** | **Меҳнатга ҳақ тўлашга туман коэффициентлари бўйича устамалар миқдори (% да)** | **Қўшимча меҳнат таътилининг энг кам муддати (иш кунлари)** |
|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | |
| Мўйноқ (шу жумладан, Мўйноқ шаҳри) ва Қўнғирот туманлари (Қўнғирот шаҳридан ташқари) | 30 | 3 |
| Қораўзак, Кегейли, Канликўл, Нукус, Тахтакўпир, Чимбой, Шуманой туманлари, Қўнғирот шаҳри | 20 | 2 |
| Тахиатош ва Хўжайли туманлари | 15 | 1 |
| Беруний, Тўрткўл ва Элликқаъла туманлари (уларнинг туман марказларидан ташқари), Нукус шаҳри | 10 | 1 |
| **Навоий вилояти** | | |
| Учқудуқ шаҳри, Зарафшон шаҳри | 60 | 6 |
| Томди ва Учқудуқ туманлари | 50 | 5 |
| Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи туманлари | 30 | 3 |
| Кармана тумани, Навоий шаҳри | 20 | 2 |
| **Бухоро вилояти** | | |
| Қоровулбозор тумани | 50 | 5 |
| Газли шаҳри | 20 | 2 |
| **Наманган вилояти** | | |
| Поп тумани Чоркесар шаҳарчаси | 20 | 2 |
| **Баланд тоғли туманларда ишлаганлик учун барча иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг ходимлари учун:** | | |
| денгиз сатҳидан 1 500 метрдан 1 700 метргача баландликда | 10 | 1 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| Меҳнатнинг табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган туманлар ва жойлар номи | Меҳнатга ҳақ тўлашга туман коэффициентлари бўйича устамалар миқдори (% да) | Қўшимча меҳнат таътилининг энг кам муддати (иш кунлари) |
|---|---|---|
| денгиз сатҳидан 1 701 метрдан 2 000 метргача баландликда | 15 | 2 |
| денгиз сатҳидан 2 001 метрдан 3 000 метргача баландликда | 30 | 3 |
| денгиз сатҳидан 3 000 метрдан ортиқ баландликда | 40 | 4 |

**Изоҳ:**

1) Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлашга туман коэффициентлари бўйича устамалар ва йиллик қўшимча таътиллар атмосфера ҳавоси ҳарорати $35^0$ дан юқори бўлган кунларнинг ўртача сонини, ёғингарчилик даражасини, ер ости сувлари захираларини, чанг бўрони тезлигини, нур таратиш табиий манбалари фонини тафсивловчи мезонлар ва кўрсаткичлар асосида аниқланган.

2) Меҳнат таътилининг умумий муддати, шу жумладан, асосий ва қўшимча таътиллар 48 иш кунидан ошмаслиги керак.

Табиий-иқлим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Меҳнатнинг табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун устамалар миқдорини ҳисоблаб чиқиш мисоллари**

(Ҳисоб-китоблар 2019 йил июль ҳолатига кўра амалга оширилган)

**1. 1-мисол (4-бандга).** Тўлиқ ишлаб берилган ой учун устама миқдори ҳисоб-китоби.

1) Ходимнинг иш ҳақи, шу жумладан, ҳар ойлик мукофот пули билан бирга – 1 200 000 сўм.

2) Туманда 20 % миқдорида устама белгиланган.

3) Ҳисоб-китоб қилинган вақтда энг кам ойлик иш ҳақи 202 730 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақининг чекланган суммаси аниқланади: 202 730 сўм х 4 (устама миқдорини ҳисоблаш учун қўлланиладиган чекланган иш ҳақининг миқдори)= 810 920 сўм*.

Устама миқдори аниқланади: 810 920 х 20:100 = 162 184 сўм.

Жами устамани ҳисобга олган ҳолда ходимнинг иш ҳақи қуйидагичани ташкил этади: 1 200 000 + 162 184 = 1 362 184 сўм.

***Изоҳ**: агар ходимнинг иш ҳақи бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт бараваридан камроқни ташкил этса, коэффициент иш ҳақининг барча суммасига қўлланилади.*

**) 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,4 миқдори қўлланилади (2019 йил сентябрь ойи учун устама ҳисоблашда иш ҳақининг энг кўп миқдори 888832 сўмни ташкил этади).*

**2. 2-мисол (9-бандга).** Тўлиқ ишлаб берилган ой учун устама миқдори ҳисоб-китоби.

1) Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги нефтни қайта ишлаш заводи ходимининг иш ҳақи, шу жумладан, ҳар ойлик мукофот пули билан бирга – 2 000 000 сўмни ташкил этади.

2) Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ходимлари учун 50 % миқдорида устама белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 389-сон қарорига мувофиқ Қоровулбозор тумани нефтни қайта ишлаш заводи ходимлари учун 1,7 миқдорида туман коэффициенти белгиланган.

3) Ҳисоб-китоб қилинган вақтда энг кам ойлик иш ҳақи 202 730 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақининг чекланган суммаси аниқланади: 202 730 сўм х 4 (устама миқдорини ҳисоблаш учун қўлланиладиган чекланган иш ҳақининг миқдори)= 810 920 сўм*.

Устама миқдори аниқланади: 810 920 х (70:100+50:100) = 973 104 сўм.

Жами устамани ҳисобга олган ҳолда ходимнинг иш ҳақи қуйидагичани ташкил этади: 2 000 000 + 973 104 −2 973 104 сўм.

**) 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,4 миқдори қўлланилади (2019 йил сентябрь ойи учун устама ҳисоблашда иш ҳақининг энг кўп миқдори 888832 сўмни ташкил этади).*

**3. 3-мисол (10-бандга).** Тўлиқ ишлаб берилмаган ой учун устама миқдори ҳисоб-китоби.

1) Ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи 487 500 сўмни ташкил этади (устамани ҳисобга олмаган ҳолда);

2) Туманда 20 % миқдорида устама белгиланди;

3) Ҳисоб-китоб қилинган вақтда энг кам ойлик иш ҳақи 202 730 сўмни ташкил этади;

4) Ходим ушбу ойда зарур бўлган 20 иш куни ўрнига 15 иш куни ишлаб берган.

Ходимнинг кунлик иш ҳақи аниқланади: 487 500 : 15 = 32 500 сўм.

Агар ходим тўлиқ ой ишлаган бўлса, унинг шартли ойлик иш ҳақи аниқланади: 32 500 х 20:100 = 650 000.

Шартли ойлик иш ҳақидан устама миқдори аниқланади: 650 000 х 0,2:100 = 130 000 сўм (шартли ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 4 бараваридан камроқ).

Устама ҳисобга олинган ҳолда шартли иш ҳақи суммаси аниқланади: 650 000 + 130 000 = 780 000 сўм.

Жами ишланган вақт учун устама ҳисобга олинган ҳолда ходимнинг иш ҳақи қуйидагини ташкил этади: 780 000 : 20 х 15 = 585 000 сўм, шундан устама қуйидагини ташкил этади: 585 000 – 487 500 = 97 500 сўм.

Изох. *2019 йил 1 сентябрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,4 миқдори қўлланилади (2019 йил сентябрь ойи учун устама ҳисоблашда иш ҳақининг энг кўп миқдори 888832 сўмни ташкил этади).*

**4. 4-мисол (11-бандга).** Чораклик мукофотни ҳисобга олган ҳолда устама миқдорини ҳисоблаш.

1) Туманда 20 % миқдорида устама белгиланган;

2) Тугаган чоракнинг ҳар бир ойи учун ходимга устамани ҳисобга олган ҳолда қуйидаги миқдорларда иш ҳақи тўланган:

сўм

| Ой | Устамани ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақи | Устама | Жами тўланди |
|---|---|---|---|
| Январь | 650 000* | 130 000 | 780 000 |
| Февраль | 750 000* | 150 000 | 900 000 |
| Март | 750 000* | 150 000 | 900 000 |
| **Жами:** | **2 150 000** | **430 000** | **2 580 000** |

**) барча сумма энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баровари миқдоридан ошмайди.*

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



3) Тугаган чорак учун 1 075 000 сўм миқдорида чораклнк мукофот пули ёзилган;

4) Устамани ҳисобга олган ҳолда чораклик мукофот пули миқдори қуйидагича ҳисобланади:

сўм

| Ой | Устамани ҳисобга олмаган ҳолда иш ҳақи | Устамасиз чораклик мукофот пули суммаси | Жами | Берилиши лозим бўлган устама | Жами (4-устун+ 5-устун) |
|---|---|---|---|---|---|
| Январь | 650 000 | 325 000* | 975 000 | 162 184** | 1 137 184 |
| Февраль | 750 000 | 375 000* | 1 125 000 | 162 184** | 1 137 184 |
| Март | 750 000 | 375 000* | 1 125 000 | 162 184** | 1 137 184 |
| **Жами:** | **2 150 000** | **1 075 000** | **3 225 000** | **442 320** | **3 711 552** |

*) қиймат ҳисобланган чораклик мукофот пулини (1 075 000 сўмни) учта тенг 375 000 сўм қисмларга тақсимлаш натижасида олинган.

**) қиймат устама миқдорининг ҳисоблаб чиқиш учун қабул қилинган ойлик иш ҳақининг чекланган миқдордан (810 920) келиб чиқиб олинган

Шундай қилиб, устама ҳисобга олинган ҳолда чораклик мукофот пули қуйидагини ташкил этади:

3 711 552 – 2 580 000 = 1 131 552 сўм, унда чораклик мукофот пули 1 075 000 сўмни, устама эса 55 552 сўмни ёки ойлик ҳисоблаб чиқишда 18 850 сўмни ташкил этади.

Изох. *2019 йил 1 сентябрдан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,4 миқдори қўлланилади (2019 йил сентябрь ойи учун устама ҳисоблашда иш ҳақининг энг кўп миқдори 888832 сўмни ташкил этади).*

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "6" сентябр даги
743-сон қарорига
2-илова

**Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида**

**НИЗОМ**

1. Ушбу Низом ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари (кейинги ўринларда тармоқ коэффициентлари деб аталади) миқдорларини қўллаш ва ҳисоблаб чиқиш шартларини тартибга солади, улар Ягона тариф сеткаси бўйича бир хил разрядга эга бўлган, иқтисодий фаолият турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, меҳнат қилиш шароитлари, жавобгарлик даражаси ва бажариладиган ишларнинг мураккаблиги бўйича фарқлар ҳисобга олинган ҳолда ташкилотлар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашдаги табақаланишни акс эттиради.

2. Ушбу Низом:

бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда, шунингдек, устав капиталида (фондида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий ҳисобланади;

бошқа ташкилотлар учун тавсиявий хусусиятга эга.

3. Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари ушбу Низомга иловада назарда тутилган миқдорларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

4. Тармоқ коэффициентлари ташкилотлар томонидан фақат штат жадваллари ва харажатлар сметаларини тузишда ишчилар меҳнатига ҳақ тўлашда қўлланилади ҳамда маҳсулот (хизматлар) таннархига киритилади.

5. Тармоқ коэффициентлари бўйича ишчиларга тўланадиган қўшимча ҳақ тариф ставкаси (лавозим маоши) билан бирга ишчининг янги тариф ставкасини (лавозим маошини) ҳосил қилади, бунинг асосида қонун ҳужжатларида ва ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир тизимли низомларда назарда тутилган бошқа тўловлар амалга оширилади.

6. Агар технологик ишларнинг айни бир хил тури бўйича муайян иш жойида меҳнат шароитларига боғлиқ бўлган бир қанча тармоқ коэффициентлари белгиланган бўлса, тармоқ коэффициенти бўйича қўшимча ҳақ миқдорини аниқлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарори билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган меҳнат шароитларига мос келадиган коэффициент қабул қилинади.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



Иш ўринлари аттестацияси натижалари мавжуд бўлмаса, энг кам қийматга эга тармоқ коэффициенти қўлланилади.

7. Тармоқ коэффициентлари тўғри қўлланиши учун жавобгарлик ташкилотнинг раҳбари ва бош бухгалтерига юкланади.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар
ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф
ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш
тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низомга
илова

**Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффицентлари**

| Т/р | ИФТУТ бўйича код | Иқтисодий фаолият турининг номи | Технологик ишлар ва ишлаб чиқаришлар турлари | Тармоқ тариф коэффи-циенти миқдори |
|---|---|---|---|---|
| **ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ** | | | | |
| 1 | 01.61.1 | Оператор ва техник ходимлар билан бирга қишлоқ хўжалиги техникасини тақдим этиш | 1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда бевосита иштирок этувчи қишлоқ хўжалиги техникасининг тракторчилари ва машинистлари. | 1,267 |
| 2 | 02.20.0. | Ёғоч тайёрлаш | 1. Дарахт кесилаётган ва пўстлоғи тилинадиган участкаларда ишлаш. | 1,267 |
| | | | 2. Ўрмон омборхоналари ва ўрмон биржаларида ишлаш: юк бўшатиш, бутоқларни кесиш, дарахтлар шох-шаббасини тизиш, дарахт поясини ажратиш, пўстлоғини шилиш, ёғочни навларга ажратиш, тахлаш ва ортиш. | 1,150 |
| | | | 3. Ўрмон хўжалиги ишлари: тракторчилар ва машинистлар. | 1,267 |
| 3 | 03.12.0 | Чучук сувда балиқчилик | Кўл-дарё, ҳовуз хўжаликларида, балиқ питомниклари ва балиқ урчитиш заводларида мавсумий балиқ овлаш. | 1,053 |
| **КОН-ҚАЗИШ САНОАТИ ВА ОЧИҚ КОНЛАРНИ ҚАЗИШ** | | | | |
| 4 | 05.10.0 | Тошкўмир қазиб олиш | 1. Еросги ишларида: кон-капитал ишларида, кон қазилмаларини капитал таъмирлашда, конларнинг дренаж шахталарида. | 2,807 |
| | 05.20.0 | Лигнит қазиб олиш | 2. Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида олиб бориладиган ер ости ишларида. | 3,099 |
| | | | 3. Ишлаб турган ва қурилаётган конларда ва ушбу конларнинг уюмларида; Осма канат йўлларда. | 1,423 |
| | | | 4. Ишлаб турган ва қурилаётган конлардаги ва ушбу конларнинг меҳнат шароитлари алоҳида оғир уюмларидаги | 1,520 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | ишларда. | |
| | | | 5. Қуйидаги ишларда:<br>Ишлаб турган ва қурилаётган шахталар ва конларда;<br>бойитиш ва брикет фабрикаларида, цехлар ва участкалар юзасида;<br>кўмир кукунини қумоқлашда;<br>ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш, кўмир қатламларини газдан тозалаш бўйича ерусти ишларида;<br>кўмирниеростида газлаштириш бўйича ишларда;<br>шахта майдонларини қуритиш, ерларни рекультивация қилиш ишларида;<br>закладка материалларини қазиш, қайта ишлаш ва ташиш бўйича ишларда;<br>конвейер ва гидравлика транспортида;<br>инерт чаиг ишлаб чиқариш ишларида;<br>амалдаги ва қурилаётган кўмир ҳамда сленец шахталари ҳамда конларнинг майдонларидаги ўрганилаётган ва технологик конларни бурғулаш бўйича ишларда. | 1,306 |
| **ХОМ НЕФТЬ ВА ТАБИИЙ ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШ** | | | | |
| 5 | 06.10.0<br><br>06.20.0 | Хом нефть қазиб олиш<br><br>Табиий газ қазиб олиш | 1. Бурғилаш ишлари, вишка монтаж ишлари (шу жумладан, тракторчилар), конларни синаш ишлари (шу жумладан, кўтаргич ва агрегатлар машинистлари), тузилмавий-қидирув бурғилаш ишлари, қудуқларни еросги ва капитал таъмирлаш ишлари (шу жумладан, кўтаргичлар машинистлари), нефть резервуарларини тозалаш ишлари. | 1,326 |
| | | | 2. Саноат-геофизик ишлар:<br>роторли ва турбинали бурғилаш, электр бурғилаш, тузилмавий-қидирув бурғилаш ишларида. | 1,228 |
| | | | 3. Қуйидаги ишларда:<br>нефть, газ ва чуқур термал сув қазиш ишлари;<br>кўмирларни ерости газлаштиришда;<br>энергетик, буғ ва компрессор цехларидаги (участкаларда, хизматларда) магистрал нефть, газ ва маҳсулот ўтказгичларда;<br>газни еростида сақлаш билан боғлиқ ишларда. | 1,228 |
| | | | 4. Қидириш майдонларида бурғилаш ва таъмирлаш ишлари;<br>Таркибида олтингугурт гази кўп бўлган газ қудуқларида конларни ерости ва | 1,423 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | капитал таъмирлаш ишларида. | |
| | | | 5. Қидирув майдонларидаги бошқа ишларда. | 1,306 |
| | | | 6. Қуйидаги ишларда:<br>бевосита коннинг ўзида таркибида олтингугурт кўп бўлган газ казиб олиш ва насос воситасида олиш;<br>магистрал газ кувурларининг газтурбина компрессор қурилмаларида газ олиш;<br>ренгенгаммография бўйича (кувур ва асбоблар уланмаларини нур билан текширишда ва улардаги нуксонларни гамма-нурланиш ва ренген нурланиш ёрдамида аниқлашда иш вақтининг камида 50 фоизи сарфланиши керак). | 1,365 |
| | | | 7. Нефть шахталарида, асфальт ва озокерит конларидаги ишларда. | 1,676 |
| | | | 8. Товар-транспорт ва қуйиш пунктларидаги, суюлтирилган газ базаларидаги, баркарор нефть чиқармайдиган, газ-бензин ва газолин курилмаларида ва нефтни комплекс тайёрлаш курилмаларидаги ишларда:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>огир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва зарарли меҳнат шароитларида. | <br><br><br><br><br><br>1,053<br>1,189<br><br>1,306 |
| **МЕТАЛЛ РУДАЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШ** | | | | |
| 6 | 07.10.0<br><br><br>07.29.0<br><br><br><br>07.21.0 | Темир рудасини қазиб олиш<br><br>Рангли металл рудаларини қазиб олиш<br><br>Уран ва торий рудасини қазиб олиш | Темир рудасини, рангли металлар рудаларини, уран ва торий рудасини казиб олиш ва бойитиш:<br>ер ости ишларида (шу жумладан, кон-капитал ишларида, саноат разведкаси ва дренаж ишларида);<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида темир рудаси ва рангли металлар казиб олиш ҳамда кон-кимё хомашёси қазиб олиш бўйича ер ости ишлари;<br>очик кон ишларида, уюмларда, осма канат йўлларида, рудалар шихтасида, драга ва гидравликаларда, магнезит ва кон-кимё хомашёси қазиб олишда;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида иш олиб бориладиган ишлаб турган конлардаги очиқ кон ишларида;<br>ишлаб турган ва қурилаётган шахталар, конлар, очиқ конлар юзаларидаги ерларни рекультивация қилиш, рудаларни бойитиш ишларида. | <br>1,914<br><br>2,339<br><br>1,423<br><br>1,520<br><br>1,306 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **КОН-ҚАЗИШ САНОАТИДАГИ БОШҚА ФАОЛИЯТ** | | | | |
| 7 | 08.11.0 | Безак ва қурилиш тоши, оҳак, гипс, бўр ва сланец қазиб олиш | 1. Флюслар, закладка ва бошқа руда бўлмаган материалларни қазиб олиш ва бойитиш:<br>ерости ишларида;<br>очиқ кон ишларида, шахталар, конлар ва очиқ конлар юзаларида, ерларни бойитиш ва рекультивация қилишда. | <br><br>1,618<br>1,306 |
| | 08.12.0 | Шағал ва қум конларини қазиш, лой ва каолин қазиб олиш | 2. Асбест қазиб олиш ва бойитиш:<br>ерости ишларида;<br>очиқ кон ишларида;<br>шахталар, конлар ва очиқ конлар юзаларида. | <br>1,910<br>1,423<br>1,306 |
| | 08.91.0 | Кимё саноати ва ўғит етиштириш учун минерал хомашё қазиб олиш | | |
| | 08.92.0 | Торф қазиб олиш | | |
| | 08.93.0 | Туз қазиб олиш | | |
| 8 | 08.11.0 | Безак ва қурилиш тоши, оҳак, гипс, бўр ва сланец қазиб олиш | Руда бўлмаган қурилиш материалларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарида асосий ишлаб чиқаришга доир барча иш турлари:<br>ерости ишларида;<br>очиқ кон ишларида;<br>ишлаб турган шахталар, конлар ва очиқ конлар юзаларида. | <br><br>1,618<br>1,306 |
| **КОН-ҚАЗИШ САНОАТИ СОҲАСИДАГИ ТЕХНИК ХИЗМАТЛАР** | | | | |
| 9 | 43.13.0 | Қидирув бурғилаш | Қидирув бурғилашда ишчилар томонидан бажариладиган барча иш турлари, шу жумладан, қурилиш ишлари. | 1,325 |
| | | Излаш-суратга олиш, геодезия ва топография ишлари | Ишчилар томонидан бажариладиган барча излаш-суратга олиш, геодезия ва топография ишлари. | 1,228 |
| **ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ** | | | | |
| 10 | **Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш** | | | |
| | 10.11.1 | Қушхонада мол сўйиш, гўштни қайта ишлаш | Қуйидаги ишлар:<br>қушхонада мол сўйиш, гўштни қайта ишлаш ва қадоқлаш; | 1,053 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 10.11.2 | ва қадоқлаш Янги, совутилган ёки музлатилган гўшт ишлаб чиқариш | янги, совутилган ёки музлатилган гўшт ишлаб чиқариш. | |
| | 12.00.0 | Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида бевосита иштирок этадиган ишчиларнинг барча касблари. | 1,053 |
| 11 | **Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш** | | | |
| | 13.10.1<br>13.10.2<br>13.10.3<br>13.10.9<br>13.20.1<br>13.20.2<br>13.20.3<br>13.20.9<br>13.30.0<br>13.91.0<br>13.92.0<br>13.93.0<br>13.94.0<br>13.95.0<br>13.96.0<br>13.99.0<br>14.11.0<br>14.12.0<br>14.13.0<br>14.14.0<br>14.19.0<br>14.20.0<br>14.31.0<br>14.39.0 | Тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш | Тўқимачилик буюмлари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида бевосита иштирок этувчи ишчиларнинг барча касблари (жун, пахта, зиғир ва бошқа толали экинларни бирламчи қайта ишлаш, йигириш ва калавалаш ишлари, тўқимачилик, бўяш, тикиш ва бошқа иш турлари). | 1,014 |
| | 15.11.0 | Терини ошлаш ва ишлаб чиқариш; мўйна ишлаб чиқариш ва бўяш | Терини ошлаш ва ишлаб чиқариш, мўйна ишлаб чиқариш ва бўяш бўйича технологик жараёнда ишчилар томонидан бажариладиган барча иш турлари. | 1,053 |
| 12 | **Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебеллардан ташқари), похол ва четан девор учун мўлжалланган материаллар ишлаб чиқариш** | | | |
| | 16.10.0 | Тахта тиладиган ва рандалайдиган ишлаб чиқариш | Ёғочга ишлов берувчи корхоналардаги асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчилар. | 1,014 |
| | 16.21.0 | Шпон, фанер, плита ва ёғоч | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | панеллар ишлаб чиқариш | | |
| | 16.22.0 | Йиғма паркет қопламалар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| | 16.23.0 | Бошқа ёғоч-қурилиш ва дастгоҳлик буюмлари ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| 13 | **Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш** | | | |
| | 17.11.0 | Ёғоч ва целлюлоза ишлаб чиқариш | Қоғоз ишлаб чиқариш бўйича корхоналардаги асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчнлар. | 1,053 |
| | 17.12.0 | Қоғоз ва картон ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| | 17.21.0 | Қат-қат бурмаланган қоғоз ва картон, қоғоз ва картон идишлар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| | 17.22.0 | Хўжалик-маиший ва санитария-гигиена қоғоз буюмлари ишлаб чиқариш. | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| | 17.23.0 | Ёзув қоғози ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| | 17.24.0 | Гулқоғозлар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| | 17.29.0 | Қоғоз ва картондан ясалган бошқа буюмлар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| 14 | **Ёзилган материалларни босиш ва қайта яратиш** | | | |
| | 18.11.0<br>18.12.0 | Матбаа ва у билан боғлиқ | Матбаа буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ишчилар томонидан амалга | 1,053 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 18.13.0<br>18.14.0 | хизматлар | ошириладиган асосий ишлаб чиқаришнинг барча турдаги ишлари. | |
| | | | Ихтисослашган матбаа ва қоғоз корхоналарида ҳамда махсус матбаа буюмлар ишлаб чиқариш бўйича зарбхоналарда матбаа буюмларини ишлаб чиқарувчи ишчилар томонидан амалга ошириладиган асосий ишлаб чиқаришнинг барча турдаги ишлари. | 1,131 |
| 15 | **Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш** | | | |
| | 19.10.0 | Кокс печкалари маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш | Қуйидаги шароитларда ишчилар томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | <br>1,053<br>1,189<br>1,306 |
| | 19.20.0 | Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Бу ҳам |
| 16 | **Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш** | | | |
| | 20.11.0<br>20.12.0<br>20.13.0<br>20.14.0<br>20.15.1<br>20.15.2<br>20.16.0<br>20.17.0<br>20.20.0<br>20.30.0<br>20.41.0<br>20.42.0<br>20.51.0<br>20.52.0<br>20.53.0<br>20.59.0<br>20.60.0 | Бирламчи шаклларда асосий кимёвий моддалар, ўғитлар ва азот бирикмалари, пластмассалар ва синтетик каучук ишлаб чиқариш | Қуйидаги шароитларда бирламчи шаклларда асосий кимёвий моддалар, ўғитлар ва азот бирикмалари, пластмассалар ва синтетик каучук ишлаб чиқариш бўйича ишчилар томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | <br>1,053<br>1,189<br>1,306 |
| 17 | **Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш** | | | |
| | 21.10.0<br>21.20.0 | Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлар ишлаб чиқариш | Қуйидаги шароитларда асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлар ишлаб чиқариш бўйича ишчилар томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | <br>1,053<br>1,189<br>1,306 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 18 | **Резина ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш** | | | |
| | 22.11.1<br>22.11.2<br>22.19.0 | Резина қопламалари ва камералар ишлаб чиқариш; резина қопламаларини тиклаш | Қуйидаги шароитларда резина қопламалари ва камералар ишлаб чиқариш, резина қопламаларини тиклаш бўйича асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | 1,053<br>1,189<br>1,306 |
| | 22.21.0<br>22.22.0<br>22.23.0<br>22.29.0 | Пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | Қуйидаги шароитларда пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | 1,053<br>1,189<br>1,306 |
| 19 | **Металл бўлмаган бошқа минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш** | | | |
| | 23.11.0<br>23.12.0<br>23.13.0<br>23.14.0<br>23.19.0 | Шиша ва шишадан ясалган буюмлар ишлаб чиқариш | Қуйидаги шароитларда шиша ва шишадан ясалган буюмлар ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | 1,053<br>1,189<br>1,306 |
| 20 | **Ўтга чидамли буюмлар ишлаб чиқариш** | | | |
| | 23.31.0 | Керамик қопламалар ва плиталар ишлаб чиқариш | Керамик қопламалар ва плиталар ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар. | 1,014 |
| | 23.32.0 | Ғишт, черепица ва пишган ғиштдан ясалган бошқа қурилиш буюмлари | Ғишт, черепица ва пиширилган ғиштдан ясалган бошқа қурилиш буюмлари ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар. | 1,014 |
| | 23.51.0 | Цемент ишлаб чиқариш | Қуйидаги ишлар:<br>цемент заводлари ишлаб чиқариш цехлари ва асбест-цемент буюмлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар агрегатларига бевосита хизмат кўрсатадиган ишчилар;<br>юқорида кўрсатилганлардан ташқари асбест-цемент буюмлар ишлаб чиқариш | 1,306<br>1,189 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | бўйича цемент заводлари ва корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш ишчилари. | |
| | 23.61.0<br>23.62.0<br>23.63.0<br>23.64.0<br>23.65.0<br>23.69.0 | Бетон, гипс ва цементдан ясалган буюмлар ишлаб чиқариш | Бетон, гипс ва цементдан ясалган буюмлар ишлаб чиқариш бўйича асосий ишлаб чиқариш ишчилари томонидан амалга ошириладиган барча турдаги ишлар. | 1,014 |
| 21 | **Металлургия саноати** | | | |
| | 24.10.0 | Чўян, пўлат ва темир қотишма ишлаб чиқариш | Металлургия саноатининг асосий цехлари ишчилари:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | <br><br>1,228<br>1,306<br><br>1,443 |
| | 24.20.0 | Қувур, қувур кесимлари, пўлатдан ясалган фитинглар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 24.31.0<br>24.32.0<br>24.33.0<br>24.34.0 | Бирламчи қайта ишлаш орқали бошқа пўлат буюмлар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 24.41.0<br>24.42.0<br>24.43.0<br>24.44.0<br>24.45.0 | Асосий асл ва рангли металллар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 24.51.0<br>24.52.0<br>24.53.0<br>24.54.0 | Металл қуйиш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 22 | **Тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш, машина ва асбоб-ускуналардан ташқари** | | | |
| | 25.50.0 | Ролик лист эгувчи машинада лист металлни роликлар билан болғалаб | Ролик лист эгувчи машинада лист металлни роликлар билан болғалаб ясаш, пресслаш, қолиплаш, профиллаш; кукун металлургия бўйича ишлар:<br>нормал меҳнат шароитларида;<br>оғир ва зарарли меҳнат шароитларида;<br>ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида. | <br><br><br><br><br><br>1,228<br>1,306 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | ясаш, пресслаш, қолиплаш, профиллаш; кукун металлургия | | 1,443 |
| | 25.11.0 | Қурилиш металл конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқариш | 1) Металлга ишлов бериш станокларида металл ва бошқа материалларни қирқиб ишлов бериш бўйича станок ишлари, металл ва бошқа материалларни қолиплаш, асбоб-ускуналарни тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари;<br>2) Асосий корхона ва инструментал цехлар (участкалар) ишчилари томонидан бажариладиган бошқа ишлар. | 1,131<br><br>1,014 |
| | 25.21.0 | Радиаторлар ва марказий истиш қозонлари ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 25.29.0 | Бошқа металл цистерналар, резервуарлар ва контейнерлар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 25.30.0 | Буғ қозонлари ишлаб чиқариш, марказий иситиш қозонлари бундан мустасно | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 25.40.0 | Қурол ва ўқ-дорилар ишлаб чиқариш | 1) Металлга ишлов бериш станокларида металл ва бошқа материалларни қирқиб ишлов бериш бўйича станок ишлари, металл ва бошқа материалларни қолиплаш, асбоблар ва жиҳозларни тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари;<br>2) Асосий корхона ва инструментал цехлар (участкалар) ишчилари томонидан бажариладиган бошқа ишлар. | 1,131<br><br>1,014 |
| 23 | **Машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш** | | | |
| | 28.11.0<br>28.12.0 | Умумий фойдалани- | 1) Ўта аниқ ва мураккаб пресс-формалар, штамплар, мосламалар, | 1,267 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 28.13.0<br>28.14.0<br>28.15.0 | ладиган машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш | инструментлар, приборлар ва ускуналар тайёрловчи инструментал ва бошқа цехларнинг универсал ускунасида банд бўлган ишчи чилангар-асбобсозлар ва дастгоҳ ишчилари. Ўта мураккаб маҳсулот тайёрлаш билан банд бўлган ноёб ускунада ишловчи станок ишчилари. Ўта мураккаб ва ноёб ускунани таъмирловчи ва унга хизмат кўрсатувчи чилангар-таъмирловчилар, созловчилар, электрмонтёрлар ва электрмеханиклар;<br>2) Металлга ишлов бериш станокларида металлар ва бошқа материалларни қирқиб уларга ишлов бериш бўйича станок ишчилари. Металл ва бошқа материалларни қолиплаш ишлари, асбоб-ускуналарни тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари. Асбоб-ускуналар тайёрлаш ва таъмирлаш ҳамда техник жиҳозлаш ишлари;<br>3) Асосий ишлаб чиқаришдаги бошқа ишлар. | 1,170<br><br>1,053 |
| | 28.21.0<br>28.22.0<br>28.23.0<br>28.24.0<br>28.25.0<br>28.29.0 | Бошқа машиналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 28.30.0 | Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 28.41.0<br>28.49.0 | Металлга босим билан ишлов бериш учун ускуналар ва механик станоклар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 28.91.0<br>28.92.0<br>28.93.0<br>28.94.0<br>28.95.0<br>28.96.0<br>28.99.0 | Махсус техниканинг бошқа турларини ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 24 | **Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва яримтиркамалар ишлаб чиқариш** | | | |
| | 29.10.0 | Моторли транспорт воситаларини ишлаб чиқариш | 1) Ўта аниқ ва мураккаб пресс-формалар, штамплар, мосламалар, инструментлар, приборлар ва ускуналар тайёрловчи инструментал ва бошқа цехларнинг универсал ускунасида банд бўлган ишчи чилангар-асбобсозлар ва дастгоҳ ишчилари. Ўта мураккаб маҳсулот тайёрлаш билан банд бўлган ноёб ускунада ишловчи станоик ишчилари. Ўта мураккаб ва иоёб ускуиани таъмирловчи ва унга хизмат кўрсатувчи чилангар-таъмирловчилар, созловчилар, электрмонтёрлар ва электрмеханиклар;<br>2) Металлга ишлов бериш станокларида металлар ва бошқа материалларни қиркиб уларга ишлов бериш бўйича станок ишчилари, металл ва бошқа материалларни қолиплаш ишлари. Асбоб-ускуналарни тайёрлаш ва таъмирлаш ишлари. Асбоб-ускуналар тайёрлаш ва таъмирлаш ҳамда техник жиҳозлаш ишлари;<br>3) Асосий ишлаб чиқаришдаги бошқа ишлар. | 1,267<br>1,170<br>1,053 |
| | 29.20.0 | Авто-транспорт-воситалари учуи кузовлар ишлаб чиқариш; трейлерлар ва яримтиркамалар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 30.20.0 | Темир йўл локомотивлари ва ҳаракатланадиган таркибни ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 30.30.0 | Учиш аппаратлари, шу жумладан, космик | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | аппаратлар ишлаб чиқариш | | |
| | 30.40.0 | Ҳарбий жанговор транспорт воситалари ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 30.91.0 | Мотоцикл-лар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 30.92.0 | Велосипед-лар ва ногиронлар аравачалари, креслолар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| | 30.99.0 | бошқа тоифага киритилма-ган бошқа транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 25 | **Электр таъминоти, газ, буғ етказиб бериш ва ҳавони кондициялаш** | | | |
| | 35.11.1<br>35.11.2 | Электр энергияси ишлаб чиқариш | Электр энергияси ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи барча мутахассисликлар ишчилари, шу жумладан, ёрдамчи ишчилар. | 1,126 |
| | 35.12.0<br>35.13.0 | Электр энергияси узатиш ва тақсимлаш | Электр тармоқлари ташкилотлари ва кичик станциялар корхоналари ишчилари. | 1,126 |
| | 35.11.9 | Атом электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш | Электр энергияси ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этувчи барча ихтисосликдаги ишчилар, шу жумладан, ёрдамчи ишчилар. | 1,182 |
| **ҚУРИЛИШ** | | | | |
| 26 | 41.20.1<br>41.20.2 | Бино ва иншоотлар қуриш | Қурилиш ишларини бажарувчи барча мутахассисликлар ишчилари:<br>ер ишлари – пойдевор учун котлованлар, чуқурлар ва хандақлар қазиш, ер ости коммуникацияларини ётқизиш учун тиргаклар ва ертўлалар; | 1,150 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | тупроқ ташиш ва ҳоказолар;<br>козикоёк қоқиш ишлари – қозиқоёк қоқиш ва ўрнатиш, қозиқоёқли пойдеворни ўрнатиш;<br>тош ишлари – тош, ғишт, бетон блоклари ва ҳоказолардан деворлар, тиргаклар, жамламалар ва устунлар қуриш;<br>бетон ва темир-бетон ишлари – бетон қотишмасини тайёрлашдан тортиб то бетонни қотириш учун қулай шароитлар яратишгача бўлган барча турдаги бетон ишлари;<br>монтаж ишлари – турли таркибдаги ва турли функцияларни бажарувчи тайёр буюмлар етказиб бериш, ўрнатиш, текшириш ва мустаҳкамлаш;<br>дурадгорлик ишлари – тайёр ёғоч буюмлар билан ишлаш, шу жумладан тўсинлар, дарчалар ва эшиклар, тахта ва паркетдан ясалган пол тўшаш;<br>том ёпиш ишлари – чердакли ёки чердаксиз том қуриш бўйича ишлар;<br>пардозлаш ишлари – деворларни<br>суваш ва сиртини коплаш, уларни бўяш ёки гулқоғоз ёпиштириш. | |
| 27 | 42.11.0<br>42.12.0<br>42.13.0 | Хўжалик мақсадидаги объектлар қуриш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 28 | 42.21.0<br>42.22.0 | Муҳандислик иншоотлари қуриш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 29 | 42.91.0<br>42.99.0 | Бошқа муҳандислик иншоотлари қуриш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 30 | 43.11.0<br>43.12.0<br>43.13.0<br>43.21.0<br>43.22.0<br>43.29.1<br>43.29.9 | Ихтисослаш-тирилган қурилиш ишлари | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 31 | 43.31.0<br>43.32.0<br>43.33.0<br>43.34.0<br>43.39.0<br>43.91.0<br>43.99.0 | Безак қурилиш ишлари | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| **ТАШИШ ВА САҚЛАШ** | | | | |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 32 | 49.10.0 | Шаҳарлараро йўловчи темир йўл транспорти | 1) Асосий технологик ускуналар, ҳаракатланадиган таркиб ва вагонларни таъмирлаш ва созлаш, сигнализация, марказлаштириш, блокировка қурилмалари, механизацияланган саралайдиган горка, контакт тармоқ, электрмеханик ускуна, машиналар, механизмлар, назорат-ўлчаш қурилмалари, автоматика ва электрон-ҳисоблаш техникани ўрнатиш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>2) Вагонларни ташишга тайёрлаш, йўллар, сунъий иншоотлар, 1-бандда кўрсатилмаган бошка техник воситалар, қурилмалар ва ускуналарни, темир йўл транспорти ва метрополитенининг техник воситаларини жорий сақлаб туриш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>3) Ҳаракатланадиган таркибга хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган бошқа ишлар;<br>4) Темир йўл такибларини (машинистлар ва локомотив бригадаларининг машинист ёрдамчилари) ва метрополитенни бошқариш;<br>5) Корхоналар ва ташкилотларнинг темир йўл цехларида (бўлинмаларида) ишчилар томонидан бажариладиган ишлар. | 1,170<br>1,130<br>1,053<br>1,17<br>1,053 |
| 33 | 49.20.0 | Юк ташийдиган темир йўл транспорти | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 34 | 49.31.0 | Шаҳар ва шаҳар атрофида қуруқликда қатнайдиган йўловчи транспорти | Автотранспорт воситалари (автомобиллар), электртранспорт ҳайдовчилари* | 1,228 |
| 35 | 49.39.0 | Бошқа тоифаларга киритилмаган қуруқликда қатнайдиган йўловчи ташиш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 36 | 49.41.0 | Автомобиль транспортида юк ташиш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 37 | 51.10.0 | Йўловчи ҳаво транспорти | 1) Ҳаво кемаларини (учиш аппаратларини) таъмирлаш, созлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>2) Эксплуатация ишларининг бошқа турлари бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар | 1,267<br>1,131 |
| 38 | 51.21.0 | Юк ҳаво транспорти | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 39 | **Омборхона хўжалиги ва қўшимча транспорт фаолияти** | | | |
| | 52.10.0 | Омборга жойлаштир-иш ва сақлаш | 1) Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг омборларида юк ортувчилар томонидан бажариладиган барча турдаги ортиш-тушириш ишлари:<br>вагонлар ва автомобилларга соғлиқ учун зарарли, 50 килограммдан ортиқ музлаган юкларни ортиш (тушириш);<br>бошқа юкларни ортиш (тушириш), омбор ичида юкларни кўчириш;<br>2) Омборхона хоналарида юкларни ортишда (туширишда) ишловчи механизаторлар;<br>3) Махсус ахлат йиғиш машиналарида ахлат юклаш станциялари ва полигонларда юк ортувчилар томонидан бажариладиган юк ортиш-тушириш ишлари. | 1,832<br>1,618<br>1,053<br>1,053 |
| | 52.24.0 | Юкларга транспортда ишлов бериш | 1) Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг омборларида юк ортувчилар томонидан бажариладиган барча турдаги ортиш-тушириш ишлари:<br>вагонлар ва автомобилларга соғлиқ учун зарарли музлаган юкларни, 50 килограммдан ортиқ юкларни ортиш (тушириш);<br>бошқа юкларни ортиш (тушириш);<br>омбор ичида юкларни кўчириш;<br>2) Юкларни транспортда ташувчи механизаторлар. | 1,832<br>1,618<br>1,053 |
| **АХБОРОТ ВА АЛОҚА** | | | | |
| 40 | 59.11.0<br>59.12.0<br>59.13.0<br>59.14.0 | Кино- видео- фильмлар ва телевизион дастурлар ишлаб | 1) “O'zbekiston” телерадиоканали, “Sport” телерадиоканали, “Toshkent” телерадиоканали, “O'zbektelefilm” телерадиоканали, “Madaniyat va ma’rifat” телерадиоканали, “Dunyo bo‘ylab” телерадиоканали давлат унитар | 1,150 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | чиқариш | корхоналари, шунингдек, "Yoshlar" телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ходимлари учун;<br>2) Ишлаб чиқариш хусусиятига ва касбий талабларига мувофиқ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳудудий бўлинмаларининг ходимлари учун. | 1,100 |
| 41 | 59.20.0 | Фонограмма-лар ва мусиқа ёзувларини нашр этиш фаолияти | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 42 | 60.10.0<br>60.20.0 | Дастурлар яратиш ва телерадио-эшиттириш бўйича фаолият | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 43 | 61.10.0 | Симли алоқа хизматлари кўрсатиш | 1) Алоҳида мураккаб алоқа ускуналарини таъмирлаш ва созлаш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>2) Асосий алоқа ускунасини таъмирлаш ва созлаш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар.<br>3) Алоҳида мураккаб алоқа ускунасига эксплуатация-техник хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>4) Асосий алоқа ускунасига эксплуатация-техник хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар. | 1,17<br>1,130<br>1,053<br>1,014 |
| 47 | 61.20.0 | Симсиз алоқа хизматлари кўрсатиш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 48 | 61.30.0 | Сунъий йўлдош алоқа хизматлари кўрсатиш | Ўшанинг ўзи | Ўшанинг ўзи |
| 49 | 61.90.0 | Бошқа телекомму-никация хизматлари кўрсатиш | 1) Алоҳида мураккаб алоқа ускуналарини таъмирлаш ва созлаш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>2) Асосий алоқа ускунасини таъмирлаш ва созлаш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>3) Алоҳида мураккаб алоқа эксплуатация-техник хизмат кўрсатиш | 1,17<br>1,130<br>1,053 |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар;<br>4) Асосий алока ускунасига эксплуатация-техник хизмат кўрсатиш бўйича ишчилар томонидан бажариладиган ишлар. | 1,014 |
| **ТАРМОҚЛАРАРО ХУСУСИЯТГА ЭГА ИШЛАР** | | | | |
| 50 | | | Қуйидаги асбоб-ускуналарни таъмирлаш: назорат-ўлчаш приборлари ва автоматика, компрессорлар, вентиляция-намлантириш, кислород, тозалаш иншоотлари. Қуйидаги ишлар: таъмирлаш-қурилиш, энергетика, металл қуйиш, темирчилик, буғ ускунасини таъмирлаш, тунука-банка, электролит, литограф-оштампташ ишлари:<br>1) кон-қазиш саноатида ва конларни қазишда, хом нефть ва табиий газ қазиб олишда, металл рудаларини қазиб олишда, кон-қазиш саноати фаолиятининг бошқа турларида, шу жумладан, қазиб олиш саноатининг техник хизматлари, транспортда, ташишда ва сақлашда;<br>2) 1-бандда кўрсатилмаган бошқа тармоқларда. | 1,053<br><br>1,014 |
| 51 | | | Металлга ишлов бериш станокларида металлни ва бошқа материалларни қирқиб, уларга ишлов бериш бўйича станокда бажариладиган ишлар, металл ва бошқа материалларни қолиплаш, асбоб ва технологик ускуна тайёрлаш ва технологик жиҳозлаш:<br>1) кон-қазиш саноатида ва конларни қазишда, хом нефть ва табиий газ қазиб олишда, металл рудалари қазиб олишда, кон-қазиш саноати фаолиятининг бошқа турларида, шу жумладан, қазиб олиш саноатининг техник хизматлари, транспортда, ташишда ва сақлашда;<br>2) 1-бандда кўрсатилмаган бошқа тармоқларда. | 1,170<br><br>1,131 |
| 52 | | | Бевосита асосий технологик, электр ва энергетика, экспериментал ва илмий машиналар, механизмлар, кемалар, автомобиллар ва бошқа ҳаракатланадиган таркиб, электр-ҳисоблаш техникаси назорат-ўлчаш мосламалари ва автоматикани таъмирлаш ва созлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш цехларида | |

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | ва бўлинмаларида ишлаш:<br>1) кон-қазиш саноатида ва конларни қазишда, хом нефть ва табиий газ қазиб олишда, металл рудалари қазиб олишда, кон-қазиш саноати фаолиятининг бошқа турларида, шу жумладан қазиб олиш саноатининг техник хизматлари, транспортда, ташишда ва сақлашда; | 1,170 |
| | | | 2) 1-бандда кўрсатилмаган бошқа тармоқларда. | 1,131 |

*) Тармоқ коэффициенти иқтисодий фаолият туридан қатъи назар ер устида ҳаракатланадиган автомобиль ва электр ерусти транспорти ҳайдовчиларининг тариф ставкасига татбиқ этилади.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "6" сентябр даги
743 -сон қарорига
3-илова

# Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар билан боғлиқ устамалар тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар билан боглиқ устамалар тўлаш тартиби ва миқдорларини тартибга солади.

2. Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда белгиланади ва коллектив шартномада кўрсатилади.

3. Кўчма ёки қатнаш тусидаги ишларнинг хусусияти ва устамалар миқдори иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида кўрсатилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилган миқдорлардан ошмайдиган миқдорлардаги кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамаларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди ва ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқишни талаб қиладиган барча ҳоллар учун ходимнинг ўртача иш ҳақини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

5. Ушбу Низомда назарда тутилган миқдорлардаги кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар маҳсулотлар (хизматлар) таннархида ҳисобга олинади.

6. Ушбу Низомда белгиланган миқдорлардан ошадиган кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинади ва буюртмачи билан келишув бўйича ишларни (хизматларни) бажариш учун сметага киритилади.

## 2-боб. Устамалар ва уларнинг миқдорларини белгилаш шартлари

### 1-§ . Ишнинг кўчма хусусияти

7. Ишнинг кўчма хусусияти учун устама ташкилот жойлашган аҳоли пунктидан ташқаридаги хизмат кўрсатиладиган ҳудуд доирасида мунтазам хизмат сафарларини амалга ошириш билан боғлиқ ишни, ташкилот жойлашган жойдан анча олисда жойлашган, бироқ ҳар куни яшаш жойига ёки ташкилот жойлашган жойга қайтиб келиш мумкин бўлган объектларда ишни бажарувчи ходимларга, шунингдек, доимий иши йўлда ўтадиган ходимларга белгиланади.

8. Ишнинг кўчма хусусияти учун устама:

а) ташкилот жойлашган жойдан иш (объект) жойигача бориш ва у ердан қайтиш учун бир кунда кетадиган вақт камида 3 соатни ташкил этадиган ва иш вақтидан ташқари амалга оширадиган ҳолларда – қонун ҳужжатларида белгиланган

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



суткалик миқдорларнинг 80 фоизигача, шу жумладан, 80 фоизи миқдорида, 3 соатдан камни ташкил этадиган ҳолларда эса – 40 фоизнгача, шу жумладан, 40 фоизи миқдорида;

б) иш йўлда бажариладиган кўчиб юришларда – йўлда бўладнган ҳар сутка учун ойлик тариф ставкасининг ёки лавозим маошининг 1,5 фоизи миқдорда, йўловчи поездларида, почта-багаж поездларида, йўловчи поездлари ва почта вагонларининг вагон-ресторанларида (кафе-буфетларнда) хизмат кўрсатадиган ходимларга – 3 фоизи миқдорда;

в) бир ойда 12 ва ундан ортиқ кун давомида сафарда бўладиган ходимларга – қонун ҳужжатларида белгиланган суткалик мнқдорлар нормасининг 25 фоизигача ва унгача бўлган миқдорида, бир ойда 12 кундан кам сафарда бўладиган ходимларга эса – кўчма хусусиятга эга шароитларда ишланган суткалар учун ойлик тариф ставкасининг (лавозим маошининг)15 фоизигача, шу жумладан, 15 фоизи миқдорида тўланади.

Ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган устама хизмат сафарлари ҳақиқатда амалга оширилган кунлар учун тўланади.

Ушбу банднинг “а” ва “в” кичик бандларида назарда тутилган устаманинг аниқ миқдори тузилган коллектив шартномага мувофиқ белгиланади.

Ушбу банднинг “б” ва “в” кичик бандларида назарда тутилган устама ходим ишлайдиган ташкилот жойлашган жойдан жўнаб кетиб у ерга қайтиб келгунигача тўланади. Бунда ходимлар йўлда ўтказган 12 соатдан ортиқ, бироқ ярим суткадан кам бўлган вақт бир сутка деб ҳисобга олинади

9. Ишнинг кўчма хусусияти устама фақат ходим амалда кўчма хусусиятга эга иш бажарган кунлар учун тўланади.

Ишнинг кўчма хусусияти учун устаманинг аниқ миқдори тузилган коллектив шартномага мувофиқ белгиланади. Бунда устама миқдори республика ҳудудида белгиланган бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдоридан ошмаслиги керак.

10. Доимий иши кўчма (қатнаш) хусусиятга эга бўлган ходимларнинг хизмат юзасидан сафарда иш бажариши хизмат сафари деб ҳисобланмайди. Кўчма хусусиятта эга бўлган иш учун устамалар тўланадиган ходимларга хизмат сафарига юборилган ходимлар учун назарда тутилган суткалик устамалар тўланмайди.

11. Ишнинг кўчма хусусияти учун устама дала устамаси, ишнинг кўчма хусусияти учун устамалар, бепул озиқ-овқат ёки унииг ўрнига пул таъминоти оладиган ҳамда вахта усулидаги нш учун устама оладиган ходимларга тўланмайди.

## 2-§. Ишнинг қатнаш хусусияти

12. Ишнинг қатнаш хусусияти учун устама ишлаб чиқариш зарурати туфайли ҳар куни доимий яшаш жойига қайтиб кела олмайдиган ходимларга уларнинг доимий яшаш жойидан узилганлиги билан боғлиқ ошган харажатларни қоплаш мақсадида белгиланади.

13. Ишнинг қатнаш хусусияти учун устама бажарилаётган ишнинг қатнаш шартлари ва хусусияти туфайли ҳар куни доимий яшаш жойига қайтиб кела олмайдиган ходимларга олис объектларда (иш бажариладиган жойларда) ишланган календарь кунлар учун ва ташкилот жойлашган жойдан иш бажариладиган жойгача

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.



ва у ердан ташкилот жойлашган жойгача амалда йўлда бўлган кунлар учун тўланади.

14. Олис объектларда бўлган кунлар учун қатнаш хусусиятига эга иш учун устама ҳар бир тўлиқ ишланган иш куни (смена) учун ходим кунлик ставкасининг 30 фоизигача бўлган миқдорда тўланади.

Ишнинг қатнаш хусусияти учун устаманинг аниқ миқдори тузилган коллектив шартномага мувофиқ белгиланади. Бунда устама миқдори республика ҳудудида белгиланган бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдоридан ошмаслиги керак.

15. Йўлда бўлган кунлар учун ташкилотда белгиланган иш куни нормал муддати ҳисоб-китобидан келиб чиққан кунлик тариф ставкаси тўланади. Бунда иш жойигача ва у ердан қайтгунгача йўлда бўлган кунлар иш вақти нормасига киритилмайди.

Ишнинг қатнаш хусусияти учун устама ходимга доимий яшаш жойидан ташқарида вақтинча ишга лаёқатсиз бўлган ва касаллик варақаси берилган кунлар учун ҳам тўланади.

16. Ишнинг қатнаш хусусияти учун устама:

меҳнат таътилида ёки ижтимоий таътилда бўлган вақт учун;

узрли сабабларсиз ишга чиқмаган кунлар учун;

вахта усулида иш бажарувчи ходимларга;

қонун ҳужжатларига мувофиқ муқобил хизматни ўтаётган ходимларга тўланмайди.

17. Ходим хизмат сафарига юборилса, унга устама тўлаш тўхтатилади, хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар эса қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

18. Ишнинг қатнаш хусусияти учун устама дала устамаси, ишнинг кўчма хусусияти учун устамалар, бепул озиқ-овқат ёки унинг ўрнига пул таъминоти оладиган ҳамда вахта усулидаги иш учун устама оладиган ходимларга тўланмайди.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

19. Кўчма ёки қатнаш тусидаги ишда транспорт воситаси иш берувчи томонидан берилмаганда ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан сарфланган йўлкира харажатлари ва бошқа харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

20. Кўчма ва қатнаш тусидаги иш учун устамалар тўғри белгиланиши ва тўланиши учун жавобгарлик ташкилот раҳбари ва бош бухгалтерига юкланади.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "6" сентябр даги
743-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда банд бўлган хизматчиларнинг кенг тарқалган лавозимлари ходимлари айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар**

| Т/р | Лавозимлар номи | Ягона тариф сеткаси бўйича разряд |
|---|---|---|
| 1 | Ташкилотнинг хўжалик ва муҳандислик-техник хизмат кўрсатиш бўйича хизмати, ташкилотнинг метрологик ва бошқа хизматлари, кадрлар бўлими бошлиғи | 10 |
| 2 | Архив, кутубхона, канцелярия, устахона, хўжалик мудирлари | 7 |
| 3 | Омбор мудири | 5 |
| 4 | Етакчи муҳандислар, етакчи мутахассислар, етакчи инспекторлар | 9 |
| 5 | Катта муҳандислар, катта мутахассислар ва катта инспекторлар | 8 |
| 6 | Олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторлар | 7 |
| 7 | Олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторлар | 6 |
| 8 | Барча номлардаги механик, техниклар, операторлар ва лаборантлар | 6 |
| 9 | Агент, маъмур, раҳбарнинг котиби, иш юритувчи, инкассатор, ётоқхона коменданти, кассир (шу жумладан, чипта сотадиган кассир), нарядчи, табелчи, экспедитор | 5 |
| 10 | Рухсатнома бериш бюроси навбатчиси, ётоқхонада навбатчи, хўжалик бекаси | 3 |

***Изоҳлар:***

*1. Агар хизматчиларнинг лавозимлари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича юқорироқ разрядлар белгиланган бўлса, меҳнатга ҳақ юқорироқ разрядлар бўйича тўланади.*

*2. Ушбу жадвалда кўрсатилмаган лавозимлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар бюджет ташкилоти (давлат корхонаси) юритишида бўлган тегишли вазирлик (идора) томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.*

*3. Мураккаб техник ускунага хизмат кўрсатиш билан банд бўлган муҳандисларга Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда оширилган разряд (1 разряд юқори) белгиланиши мумкин.*

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “6” сентябрдаги
743-сон қарорига
5-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мингбулоқ нефть-газ конденсати конини ўзлаштиришни жадаллаштириш, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда Газли - Нукус газ қувури қуришни тезлаштириш тўғрисида” 1993 йил 3 августдаги қарорининг 18-бандидаги “Бухоро вилоятидаги Зафаробод” сўзлари “Навоий вилоятидаги Зафаробод” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарорига 1-илованинг 49-бандидаги “давлат бошқаруви органларида” сўзлари “давлат бошқаруви органлари ва меҳнат органлари тизимида” сўзлари билан алмаштирилсин.

ҚҲММБ: 09/19/743/3710
7.09.2019 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “6” сентябр даги
743 -сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Навоий вилояти халқ хўжалиги тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ҳудудий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида” 1992 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасиниит “Дўрмон-Қайнарсой” комплексларининг хўжалик ҳисобидаги бирлашган дирекциясини ташкил этиш тўғрисида” 1995 йил 18 декабрдаги 462-сон қарорининг 3-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Учқудуқ-Мискен-Султонуиздаг темир йўл линиясини қуришнн ва босқичма-босқич фойдаланишга топшнришни тезлаштириш тўғрисида” 1999 йил 4 мартдаги 96-сон қарорининг 14-банди.